

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**  
**Тошкент тиббиёт**  
**академияси**  
**проректори, т.ф.д.**  
**Боймурадов Ш.А.**  
« \_\_\_\_\_ » « \_\_\_\_\_ » 2017 й.

**Тошкент тиббиёт академиясининг Офтальмология кафедраси**  
**«Маънавият ва маърифат ҳамда иқтидорли талабалар ва тугараклар**  
**билан ишлаш бўлими»**  
**НИЗОМЛАРИ**

**I. “Маънавият ва маърифат” бўлими**

**НИЗОМИ**

**Умумий қоидалар**

“Маънавият ва маърифат” бўлими талабалар онги ва қалбида маънавий фазилатларни камол топтиришда, миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасини мафкурасини шаклантиришда институтда амалга оширилаётган таълим – тарбия тизимининг муҳим таркибий қисмидир.

“Бўлим” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда институтнинг буйруқлари асосида ташкил этилади. “Бўлим” қошида институтнинг талаба – ёшлар тарбияси олдида турган вазифаларнинг кўлами, ўзига хос хусусиятига мувофиқ ташкил этилган. “Маънавият ва маърифат” бўлимининг мақсадини амалга оширишда унга кўмаклашадиган турли йўналишдаги марказлар, тўғараклар, клублар ва ҳақозолар фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур буйруқ билан “бўлими” бошқарув органи ва унинг таркиби (ректор, проректор, деканлар, Ижтимоий гуманитар кафедраларининг мудирлари, академияда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлар: «Камолот» ЁИХ, касаба уюшмаси, талабалар касаба уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси раислари, кўп тиражли газетанинг муҳаррири, иқтидорли ва фаол бакалавр, магистр ва аспирантлардан иборат) тасдиқланади.

“Бўлим” га раҳбарлик қилиш “Маънавият ва маърифат” масалалари бўйича проректор зиммасига юклатилади.

**Бўлимнинг мақсади**

- мустақил дунёқарашга эга бўлган аждодларимизнинг буюк тарихий мероси ва ҳозирги замон тафаккури асосида яшайдиган, ватанпарвар,

инсонпарвар, миллий ўзлигини англайдиган, миллий ғурур ва ўз миллатига садоқатли бўлишни энг юксак бурч деб биладиган, одамларда иймон, меҳр – шавқат, поклик ва халоллик каби фазилатларни кадрлай оладиган ва уларга хаётда амал қиладиган, ота-онага иззат хурмат, оилага садоқат, бағрикенг, адолат билан разилликни, яхшилк билан ёмонликни амалда ажрата оладиган шахсни шакллантиришда кўмаклашиш;

- талабаларнинг хаётда ўз ўринларини топишга, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз шахсини камолотга етказиш, ўз рухий дунёсини такомиллаштириш усулларини эгаллашларига ёрдам бериш;
- мустақилликга таҳдид соладиган экстремистик оқимларга қарши жанговар курашчи бўлиб етишишига талабаларга ёрдамлашиш;
- халқаро терроризм, ақидапараслик ва миллатпарастлик каби ўзбек халқига, бегона ғояларга нисбатан муросасизлик каби фазилатларни шакллантириш.

### **“Бўлим” нинг вазифалари**

- “Бўлим” нинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
  - “Бўлим” мақсадидан келиб чиқиб, академияда талаба-ёшларнинг маънавий тарбиясига мутасадди бўлган бўғинлар (факультетлар, кафедралар, мураббийлар ва жамоат ташкилотлари) фаолиятини мувофиқлаштиришни назорат қилиб бориш;
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика ҳукумати ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасига бағишланган Фармон, Қарор ва буйруқлар бўйича тегишли хужжатлар тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;
  - академия билан корхона, ташкилот, ҳуқуқ-тартибот идоралари, санъат ва маъданий муассасалар хусусий корхона ва фирмалар ўртасида шартномаларини тузиш ва уларни амалга ошириб бориш;
  - талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқиши, маънавий-ахлоқий савияси ва маданий эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида улар орасида сўровлар ўтказиб бориш ва уларнинг натижаларидан маънавий - маърифий ишларни амалга оширишда фойдаланиш;
  - талабалар орасида маънавият ва миллий истиқлол ғоясининг муҳим масалалари юзасидан тарғибот олиб бориш мақсадида “Бўлим” қошида қуйидаги мавзуларни тарғиб қилиш бўйича шўъбаларни тузиш ва бу ишни ташкилотчиларини аниқлаш;
- а) Ислом Каримов маънавиятимизнинг бош ҳомийси;
  - б) Қарамлик ва мустақиллик шароитида маънавият;
  - в) Ўзбекистон ижтимоий фикр тараққиётида маънавият ва маърифат масала-лари;

- г) Ислом динида шахс маънавий қиёфасининг талқини;
- д) Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат – шахс маънавиятининг муҳим мезонлари;
- е) Поклик, иймонлик, диёнатлилик, меҳр-шавқатлилик, адолатлилик, мустаҳкам эътиқодлилик, ҳалоллик, вафодорлилик, инсон маънавиятининг ажралмас хусусиятлари;
- ё) Миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик шахс маънавиятининг белгилари;
- ж) Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс маънавий баркамоллигининг мезонлари;
- Академиянинг факультетлари, курслари, гуруҳлари ўртасида маънавият масалалари бўйича мутасаддибўғинлар билан ҳамкорликда кўрик-танловларни тайёрлаш ва ўтказиш;
- ҳисоботлар, маълумотларни мониторинг ва ички назорат бўлимига тақдим қилиб бориш.

#### **“Бўлим” нинг ҳуқуқлари:**

- маънавият ва маърифат масалари бўйича проректор билан келишилган ҳолда кафедралар, жамоат ташкилотларни профессор-ўқитувчиларини маънавият ва миллий истиқлол ғояси бўйича ўтказиладиган тадбирларга бевосита жалб қилиш, бу борада алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни мукофотга тақдим этиш;
- талабалар орасида маънавият ва миллий истиқлол ғоясини тарғибот қилиш мақсадида тузилган шўъбаларнинг фаол аъзоларини мукофотга тақдим этиш.

#### **Мақоми:**

- маънавият ва маърифат масалалари бўйича “Бўлим” раҳбари ўз иш жараёнида проректорга бўйсунди.

### **Бўлим ходимларининг хизмат вазифалари:**

#### **1. Бўлим бошлиғи**

- “Бўлим” нинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда институтда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, амалга оширишга масъул турли мутасадди бўғинларнинг фаолиятини умумий мувофиқлаштириб бориш ва назорат қилиш;
- Бўлим ходимлари билан бўлимнинг йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

- Факультетлар, кафедралар, мураббийлар, жамоат ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича режаларини бўлимнинг иш режаси билан мувофиқлаштириш ва ижросини назоратга олиш;
- “Бўлим” ходимларининг хизмат вазифаларини белгилаш ва шу асосда меҳнат интизомини таъминлашни назорат қилиш.

## **2. Бўлим услубчиси**

- талабалар турар жойларида яшовчи талабаларнинг яшаш шароитлари, бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, тўғараклар, клублар, секцияларнинг ишларини., кутубхона, компьютер хоналарининг фаолиятини назорат қилиш;
- талабалар турар жойларида деканатлар, кафедралар, жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиб бориш;
- талабалар турар жойларидаги “Талабалар кенгаши” нинг самарали фаолиятини таъминлашга ёрдам бериш;
- академияда турли тўғараклар фаолиятини тартибга солиш, йўлга қўйилишини таъминлаш ва назорат қилиб бориш;
- ижарада турувчи талабалар, деканатлар, кафедралар ва жамоат ташкилотлари билан иш олиб бориши.

## **3. Бўлим услубчиси**

- бўлимнинг кирувчи ва чиқувчи хатлар ҳаракатини рўйхатга олиш ва назорат қилиб бориш (буйруқлар, ҳисоботлар);
- мураббийлар, жамоат ташкилотлари билан бўлимнинг ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- факультетлар, кафедралар, талабалар билан ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тарбиявий тадбирларни уюштириш;
- жамоат ташкилотлари билан “Бўлим” фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

## **4. Бўлим услубчиси**

- миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш бўлими хужжатларини юритиш;
- бўлимнинг йиғилишлари доимий семинарларининг ўтказилишини ташкил қилиш ва баённомаларни тузиш, бу ҳақда бўлимга ҳисобот бериб бориш;
- миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш бўлими нашр режасини тузиш ва матбуотда эълон қилишни таъминлаш;
- миллий истиқлол ғояси бўйича ўтказиладиган ҳисоботларни юқори ташкилотларга ўз вақтида етказиб бориш.

## **5. Тарбиячи – мураббийлар (Талабалар турар жойларида)**

- талабалар турар жойларида белгиланган муддатда бино худуди, қавактлар, ошхона, ювиниш хоналарини талабалар томонидан озодалигини таъминлашни назорат қилиш;
- деканатлар, кафедралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда талабалар турар жойида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш режасини ишлаб чиқиш, талабалар рўйхатини тузиш, навбатчиликларни ташкил қилиш;
- талабалар турар жойида тинчлик, осойишталикни таъминлаш, талабалар турар жойида яшаш қоидаларини бузган талабаларга нисбатан маъмурий, моддий жавобгарликни амалга ошириш ва тартиб бузувчиларни талабалар турар жойидан чиқариш масаласини сўраб академия раҳбариятига мурожаат қилиш.

## **II. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими НИЗОМИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1.1. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими (бундан кейин *Бўлим*) - академияда иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш ва олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ташкилий марказдир. Бўлим кафедралар ва деканатлар ёрдамида иқтидорли талабаларни аниқлайди ва танлайди, уларни ўзлари қизиққан фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларига йўналтиради ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратишда фаол иштирок этади.

1.2. Бўлим академия профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илғор илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли талабаларни жалб қилади ва уларнинг тўла иштирокини таъминлайди. Иқтидорли талабалар илмий-тадқиқот ишларининг мамлакатимиздаги бошқа илмий марказлар ва институтлар ҳамда хорижда олиб борилаётган илмий изланишлар билан алоқасини ўрнатади.

### **II. Бўлимнинг вазифаси**

- иқтидорли талабалар фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- иқтидорли талабаларни илмий ва касбий қизиқишларини эътиборга олган ҳолда аниқлаш, уларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш;
- иқтидорли талабаларнинг фаолиятини талабалар илмий жамияти фаолияти билан ҳамкорликда олиб боришни ташкил этиш;
- муаммолар кенгаши билан ҳамкорликда танлаб олинган иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини даврий равишда аниқлаб бориш;
- муаммолар кенгаши, кафедра ва деканат таклифига биноан талабга жавоб бермаган талабани иқтидорли талаба гуруҳидан чиқариш;
- иқтидорли талабаларни академия кафедраларида ва марказий илмий текшириш лабораторияси шахобчаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришини таъминлаш ва назоратга олиш;

- Республика ва ҳалқаро миқёсда ўтказиладиган илмий анжуманлар, фан олимпиадалари, семинарлар, танловларда иқтидорли талабаларнинг иштирокини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари, “Камолот” жамғармаси, хорижий фондлар грантларига, номдор стипендияларга тавсия қилиш;
- хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларига иқтидорли талабаларнинг боришига тавсия бериш ва ташкил этиш;
- “Энг яхши илмий иш” танловини ташкил қилиш ва ўтказиш, иқтидорли талабалар орасида мунтазам равишда социологик тадқиқотлар олиб бориш;
- кафедралар ва лабораторияларда иқтидорли талабалар билан ишловчи маъсул ходимнинг олиб бораётган ишларини назорат қилади, у ерда яратилган муҳитни ва шароитни ўрганади;
- иқтидорли талабаларга муаллифлик гувоҳномаларини, патентларини хужжатлаштиради;
- иқтидорли талабаларнинг илмий ишларини ва ишланмаларини чоп этишда ҳамда амалиётга жорий этишга яқиндан ёрдам кўрсатади;

### **III. Кафедранинг вазифаси**

- кафедрада иқтидорли талабаларни аниқлаш икки босқичда олиб борилади: 1-босқич - кафедрадаги оғзаки имтихон; 2-босқич - тест марказидаги мустақил имтихон;
- кафедра иқтидорли талабаларни аниқлаш учун махсус имтихон саволларини тузади ва кафедранинг етук профессор-ўқитувчилари уларни оғзаки имтихондан ўтказишади. Илмий бўлим кафедра хошишига биноан имтихонга ўз вакилларини юбориши мумкин.
- юқори рейтинг балига эга бўлган талабалар кафедрага деканат томонидан тавсия қилинса ёки талабанинг ўзи иқтидорли талабалар сафига қўшилмоқчи бўлса кафедрада улар ҳам махсус имтихондан ўтказилиб иқтидорли талабалар гуруҳига киргизилиши мумкин;
- имтихондан муваффақиятли ўтган талабалар кафедра йиғилишида барча ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб Бўлимга тавсия қилинади;
- бўлим кафедра тавсия қилган иқтидорли талабаларни Тест марказида имтихондан ўтказишади, бу тест саволлари ҳам кафедра томонидан танланган мутахассислик бўйича тузилади. Тест кафедра ходимлари иштирокисиз мустақил равишда ўтказилади. Тест саволларига илмий тус берилган бўлиши, талабани мустақил фикрлашга мажбур қилиши ва тест саволларини ечишга мантиқий ёндашувини таъминлаши зарур;
- иккала имтихондан муваффақиятли ўтган талабалар иқтидорли талабалар гуруҳига қабул қилинади;

- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига мослаштиради ва уларга раҳбар белгилайди;
- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича касбга йўналтирилган дастур ишлаб чиқади, уни ўқув ва илмий бўлимларда тасдиқлатиб олади, талабаларнинг фаолияти бўйича квартал ва йиллик ҳисоботларни бўлимга топишириб боради.

#### **IV. Деканатнинг вазифаси**

- иқтидорли талабалар гуруҳини тузади, уларнинг фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларга бошчилик қилади;
- факультет бўйича иқтидорли талабалар билан шуғулланувчи илмий даражаги эга бўлган ўқитувчини ажратади ва факультетда иқтидорли талабаларни аниқлаш бўйича кафедрага ўз таклифларини киргизади;
- юқори рейтинг балига эга бўлган талабаларни иқтидорли талабалар гуруҳига киргизиш бўйича кафедрага ёзма равишда таклиф киргизади;
- иқтидорли талабани аниқлаш бўйича Тест марказида ўтказиладиган имтихоннинг 2-чи босқичига ёрдам беради, ўз вакилларини ажратади;
- иқтидорли талабалар фаолиятини назорат қилиш бўйича илмий бўлим томондан ташкил қилинган хайъат таркибига профессор-ўқитувчилардан ўз вакилларини ажратади;
- академияда ўтказиладиган илмий семинарлар, анжуманлар ва Республика миқёсида олиб бориладиган олимпиадаларни ўтказишда бўлимга яқиндан ёрдам беради;
- факультетга қарашли кафедраларда иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига яратган шарт-шароитларини ўрганади, бўлим билан ҳамкорликда уларни яхшилаш бўйича кафедрага ўз таклифларини киргизади ва назорат қилади.

#### **V. Муаммолар кенгашининг вазифаси**

- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини муаммолар кенгашининг йиғилишларида ўрганади ва кўриб чиқади;
- муаммолар кенгашининг котиби иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича маъсул ҳисобланади, улар билан яқиндан ишлайди;
- қабул қилинган ишларни тақризчиларга беради ва қабул қилиб олади;
- илмий-тадқиқот ишларнинг натижалари бўйича фахрли ўринларни белгилайди (одатда 1-чи, 2-чи ва 3-чи) ва бу ўринлар кафедра, деканат ҳамда илмий бўлим томондан муҳокама қилинмайди ва қатъий ҳисобланади;

- фахрли ўринга сазовор ишни (одатда 1-чи ўринни олган) Республика олимпиадаларига, номдор стипендияларга, хориж сафарларига чиқариш бўйича ўз таклифларини беради;
- илмий ишларнинг муаллифлик ҳуқуқини сақлайди, ҳимоя қилади ва сифати учун жавоб беради;
- илмий бўлимда тузилган графикка биноан академиянинг етук олимлари ва ёш изланувчи профессор-ўқитувчиларни иқтидорли талабаларга маъруза ўқишини таъминлайди;
- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари экспертизаси натижалари ва фахрли ўринларни эгаллаган ишлар бўйича академия Илмий кенгашида ҳисобот беради;
- иқтидорли талабалар томонидан конкурсга топиширилган ишларнинг ютуқлари, камчиликлари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини “Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси” журналида чоп қилиб боришади.

#### **VI. “Камолот” фондининг вазифаси**

- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;
- иқтидорли талабаларнинг семинарлар, илмий анжуманлари, Республика олимпиадаларини ўтказишга бевосита ёрдам бериш;
- иқтидорли талабаларни хориж сафарларига юборилишига яқиндан моддий ва маънавий ёрдам бериш, фахрли ўринларни эгаллаган талабаларни ва уларнинг раҳбарларини рағбатлантириш;
- иқтидорли талабаларнинг фаолияти ҳақида “Тиббиётнома” газетасида маълумот бериб боради, Республика матбуотида, телевидения ва радиода чиқишларига яқиндан ёрдам беради.

#### **VII. Марказий илмий лаборатория ва унинг шахобчаларининг вазифаси**

- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини МИТЛ нинг барча лабораторияларида илмий раҳбарлари билан биргаликда иштирок этишига шароит яратиш;
- илмий раҳбарнинг тавсиясига кўра МИТЛ да олиб борилаётган экспериментал ишларга иқтидорли талабанинг ўзи бевосита иштирок этишини таъминлаш.

#### **VIII. Иқтидорли талабанинг вазифаси**

- юқори даражада ахлоқли, маданиятли ва илмга чанқоқ бўлиши, доимо янгиликка интилиши;
- ўзининг интеллектуал салоҳиятини доимо ошириб бориш, интернетдан фойдалана олиш, илмий адабиётлардан, академияда, Республикада, хорижда қилинаётган илмий-тадқиқот ишларидан бохабар бўлиш;



- кафедрада унга бириктирилган раҳбар билан доимо ҳамкорликда ишлаш, илмий материал тўплашда ва экспериментал ишларда бевосита иштирок этиш;
- инглиз ва бошқа хориж тилларини мукаммал ўрганиш ва билиш;
- ўзининг илмий-тадқиқот иши учун ўзи материал тўплаши ва илмий раҳбари билан олинган маълумотларни биргаликда таҳлил қилиши;
- илмий-тадқиқот иш натижалари бўйича Муаммолар кенгашига топшириш учун “Илмий-тадқиқот иши” ни ёзиш;
- “Илмий-тадқиқот иши” ни тайёрлашда қўлланилган адабиётлар, методлар, экспериментлар, олинган натижалар ва уларнинг хулосаларини кўрсатиш, ҳамда ўзи ва илмий раҳбари иштирок этган қисмини ёзма равишда кўрсатиши.

**Маъсул ходим: илмий ишлар бўйича проректор**